# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 13 январь, № 9 (5176) Пайшанба


## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:*

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Якубов Джахангир Тулкинович** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедра бошлиғи

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Слизкий Борис Евгеньевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий-клиник госпиталининг травматология бўлинмаси бошлиғи — бош травматологи

*Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, тинчликни, барқарорликни ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Саломов Фазлитдин Ибодуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Абдурахимов Хошимжон Абдухалимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

**Кадиров Фаррухжон Мухторович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Курбонов Акобир Собирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи ўринбосари

**Турдикулов Умиджан Абдуссатар ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантларни тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи — ўқитувчи

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Абдувахобов Абдукодир Абдумажидович** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ўринбосари

**Джалалов Мансур Маъруфович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Толипов Дильшод Абдужабборович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хужамов Хамид Мухитдинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Шарипов Хуршид Рафикович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

### «Дўстлик» ордени билан

**Бегимкулов Ильхом Баирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Ибрагимов Баходир Исмоилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Хакимова Наталья Георгиевна** — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси доценти

**Эргашев Зайлиддин Абдулхакович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири ўринбосари

### «Жасорат» медали билан

**Абдуллаев Зафар Ахметжанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдуназаров Акбар Аброрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

**Авазов Гайрат Норбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Азимов Холмахамад Абдиразокович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Аметов Абат Мнажатдинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Арслонов Бахром Баходир ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод мутахассиси

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзуидаги маърузаси ҳамда “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ижросининг якунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ДЕМОКРАТИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДИР

**Дунё нигоҳи**

Унда Бельгияда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар, Брюсселда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ва ушбу шаҳарда фаолият юритиб келаётган “Шарқ юлдузи” маданият уюшмаси аъзолари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчликнинг, демократия, фуқаролар тотувлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг кафолати бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тутган ўрни, шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда эришилган муваффақиятлар ҳақида сўз борди.

Брифинг чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида баён этилган, бугунги кунда олдимизда турган асосий мақсад ва вазифалар хусусида фикр юритилди.

Иштирокчилар, шунингдек, 2010 йилда қабул қилинган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган тадбирлар ҳамда 2011 йилнинг Президент Ислом Каримов ташаббуси билан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани ҳақидаги маълумотлар билан таништирилди.

Тадбирда сўзга чиққан **Брюссель Эркин университети докторанти Музаффар Охунов** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қарор топтиришга қаратилган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонуний ҳимоя қилинадиган жамиятни шакллантиришда муҳим ҳужжат саналишини таъкидлади.

“Биз мамлакат ёшларининг юртимиздаги олий ўқув юртлари билан бир қаторда, дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида бепул таҳсил олишларига яратилган шарт-шароитлар учун мамлакатимиз раҳбариятидан беҳад миннатдормиз. Дарҳақиқат, бугун бизнинг Брюсселдаги нуфузли университетларда илм эгаллаётганимиз давлатимиз раҳбарияти томонидан мамлакатда юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ёш авлодга қаратилаётган улкан эътиборнинг ҳаётий тасдиғидир”, деди у, жумладан.

**Брюссель Эркин университети аспиранти Мунира Аминова**нинг таъкидлашича, бугун Ўзбекистонда фуқаролик жамияти тобора ривожланиб бормоқда ва унинг келгуси тараққиёти Асосий Қонунимизда ўз ифодасини топган демократик тамойиллар замирида шаклланади.

“Мамлакатда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, шубҳасиз, ўзбекистонлик ёш мутахассислар касб маҳоратининг юксалишига хизмат қилади”, дея фикр билдирди М. Аминова.

(Давоми 2-бетда).

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

***Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ўғлони учун миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки шараф ва масъулият ишига айланган. Негаки, ҳар бир инсон туғилиб ўсган юртини, унинг бир кафт тупроғини ардоқлаши, керак бўлса, ҳимоя қилиши шарт. Ота-боболарининг ана шундай ўгитлари билан камол топган фарзандларимиз Ватан олдидаги хизмат бурчларини ана шундай ифтихор, ана шундай ғурур билан ўташга тайёрдирлар.***

# ШИЖОАТ, ИНТИЛИШ, НАТИЖА

Кегейлилик Улуғбек Куленовга бугун тенгдошлари ҳавас билан қарашади. У ўтган йили Ватан олдидаги йигитлик бурчини сидқидилдан адо этиб, ота-онаси бағрига қайтди. Кўп ўтмай, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва Бандликка кўмаклашиш маркази ёрдамида йўл қурилиши корхонасига ишга жойлашди. Улуғбекка ўхшаб муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган яна беш нафар йигит яқинда шу корхонада меҳнат фаолиятини бошлади.

Тўрткўл туманида яшовчи Эргаш Жуманиёзов ёшлигидан санъатга меҳр қўйиб ўсди. Мактабдан сўнг мазкур йўналишдаги билим юртини тугатиб, муддатли ҳарбий хизматга отланди. Хизматни муваффақиятли якунлаб келгач, тумандаги мусиқа ва санъат мактабига ўқитувчи бўлиб ишга жойлашди. У бугун Юртбошимизнинг шу соҳани ривожлантириш йўлида амалга ошираётган ишларидан илҳомланиб, ёшларни санъатнинг сеҳрли олами билан яқиндан таништирмоқда.

Шу ўринда эртамиз эгаларини, жумладан, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган йигитларни ишга жойлаштириш борасида жойлардаги Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, Баркамол авлод йилида Қорақалпоғистон Республикасида 92 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 3127 та корхона ва ташкилот 11471 бўш иш ўрни билан қатнашди. Бунинг натижасида юзлаб ёшлар доимий иш жойига эга бўлдилар. Улар орасида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ҳам бор.

— Ҳарбий хизматни намунали ўтаганлигим учун тавсияномага эга бўлгандим, — дейди Ойбек Сапарниязов. — Шунинг эвазига ўтган йили Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалига тўлов-контракт асосида ўқишга кирдим. Шартнома маблағининг 35 фоизини “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тўлаб берди. Бундан жудаям хурсандман.

— Умуман олганда, 2009/2010 ўқув йилида тавсияномага эга бўлиб, тўлов-контракт асосида ўқиётган 500 нафар ёшларга шундай ёрдам кўрсатилди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Зафар Хониёзов. — Келгусида улар ўзларига билдирилган ишончни, албатта, оқлашларига ишонамиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ЮРТ ПОСБОНЛАРИ ДОИМО ЭЛ АРДОҒИДА

***Кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб улгурган кексаларимиз қўлларини дуога очганда, “Юртимизда тинчлик, хотиржамлик, омонлик бўлсин”, дея ният қиладилар. Сабаби, ҳар қандай эзгу мақсаднинг рўёбга чиқишида осойишталикнинг ўрни бениҳоя катта.***

Айниқса, бугун дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршиликлар, умуман, халқаро хавфсизликка таҳдид солиб турган кескин вазиятлар бизга берилган бу улуғ неъматнинг қадрига етишга, уни асраб-авайлашга, шукрона келтиришга ундайди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш,

(Давоми 4-бетда).

# БИОМЕТРИК ПАСПОРТНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

*Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 5 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган биометрик паспортлар жорий қилинади. Янги ҳужжатларни бериш жараёни қандай ташкил этилади?*

*ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси Аҳолини паспортлаштиришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими республика маркази бошлиғи Нажмиддин ТЎРАХЎЖАЕВга ушбу савол билан мурожаат қилди.*

**Фармон ва ижро**

— Эгасининг биографик маълумотлари, шунингдек, рақамли фотосурат ҳамда бармоқлар изи туширилган биометрик параметрларини ўзида жамлаган электрон ахборотга эга паспорт ва бошқа ҳаракатланиш ҳужжатлари бугун дунёнинг ривожланган барча давлатларида амалда қўлланилмоқда, — дейди Н.Тўрахўжаев. — Ушбу ҳужжатлар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) тавсияларига мувофиқ жорий этилган.

ИКАО аъзоси бўлган мамлакатимизда ҳам авиаташишлар хавфсизлигини таъминлаш, авиация техникаси ишончлилиги ва унинг халқаро бозорда рақобатбардошлигини ошириш, аэропортлар инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда йўловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётир. Айни пайтда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан амалга оширилаётган йўловчи ташиш жараёни ҳақли равишда дунёда энг хавфсиз авиаташишлардан ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНДИ

***2010 йилда Вазирлар Маҳкамаси Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси бўйича***

**2 триллион 260,8 миллиард**

**сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди.**

Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифалар изчил бажарилгани, хусусан, ишлаб чиқариш модернизация ва диверсификация қилиниб, инновацион ҳамда инвестициявий лойиҳалар ижроси таъминлангани туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Ашуров Дилмурод Холмаматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Байзаков Камолиддин Мирзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бобоназаров Розик Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Девликамов Ваис Рамиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дустов Наймжон Хурсанмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Ем Дмитрий Владимирович** — Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси «Айритом» божхона комплекси бошлиғи

**Ибрагимов Аслиддин Эркинович** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисм катта инструктори

**Ибрагимов Сапарбай Юнисбаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Исмоилов Искандар Исломович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Йўлдошев Элёр Гулмуродович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси кавалерия секцияси ўқчиси

**Корабоев Абдувохоб Одилович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Курбанов Илхомжон Иргашалиевич** — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Мадреймов Хамза Ибайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маликов Бабир Турсунович** — Жиззах вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси уста ғаввос — қутқарувчиси

**Мамадалиев Нодирбек Адхамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мирзаев Абдурашид Миргламович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мусулманов Инаятилла Неъматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**Мухамадиев Ибодулла Ахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Норов Сохибжон Зикриллаевич** — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

**Нурмаматов Хуршиджон Олимджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Нурманов Нарзулла Ортикович** — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командири ёрдамчиси

**Пирназаров Бахром Чоршанбиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Расулов Завқиддин Эсанович** — Навоий вилояти Кармана тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

**Сайдалиев Гайратжон Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сайканов Суннатилла Исматович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Сапаров Акрам Умирзакович** — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Турдибаев Равшан Махкамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

**Умаров Кахрамон Анарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уразов Мусан Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хабибуллаев Толипжон Бойдадаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хакназаров Отабек Бахтиёр ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамраев Исмоил Маматкулович** — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Холмуратов Улугбек Турсунмуратович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Назиржон Муродуллаевич (марҳум)** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ мутахассиси

**Эминов Авазбек Абдумажитович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси отряд бошлиғи

**Юлдашев Рузибой Ирисваевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи секция командири

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдуллаев Азиз Ражабович** — Бухоро шаҳар Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган отряди бўлинма командири

**Абидов Улугбек Хожимурат ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Айназаров Турамурод Мамараимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Алимов Муратджон Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Артиков Жалалдин Абдумуталибович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Артиков Шавкат Ядгарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Болтаев Олимжон Киличович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинма бошлиғи

**Борисовский Олег Владимирович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

**Дементьев Евгений Петрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дехканов Улжабой Акрамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Енгаличев Марат Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмат бошлиғи

**Идрисов Улугбек Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони катта техниги

**Исмоилов Ахроржон Азамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм тиббиёт хизмати бошлиғи

**Кдирбаев Жеткербай Каипбергенович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

**Кузибаева Умидахон Ахмаджоновна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Кучкаров Хусан Махкамбаевич** — Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи

**Кучмурадов Анвар Хатамович** — МХСК командаси бошлиғи ўринбосари

**Маматқулов Илҳомжон Адҳамжонович** — Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси

**Махмудов Азамат Рахмонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Машарипов Дилмурод Эгамберганович** — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Мелиев Олимджон Абдуллаевич** — Бухоро ҳарбий суди раиси

**Норов Сарвар Хамзаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми дивизион командири

**Перевозников Виктор Петрович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Пирниязов Арман Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод инструктори

**Раимов Муминжон Исматуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сагитов Азат** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона статистикаси ва таҳлил маркази бошлиғи

**Суннатов Ибодулла Мамирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Тожибоев Ахад Мукимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Тошматов Умарали Набиджонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири ёрдамчиси

**Турапов Олимжон Юсупжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Умматов Хамза Базарбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Хужамкулов Икромжон Гафурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Хуррамов Тура Нафасович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи катта механик-ҳайдовчиси

**Хушваков Кахрамон Мойлиевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми қоровул бошлиғи

**Эгамбердиев Жамшид Хикматович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юлдашов Обиджон Суюнович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

## «Шуҳрат» медали билан

**Абдуллаев Рустам Убайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Алиева Мухтарамхон Худайбердиевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳи секция командири

**Гафуров Нодиржон Нарзуллаевич** — Андижон ҳарбий прокурори катта ёрдамчиси

**Гаюпов Гуломжон Аликулович** — Сирдарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

**Дарвешов Ахмеджон Ризоевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Джаббаров Маъруфхон Сайдумархонович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси контрабандага қарши курашиш Бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Жуманиязов Жуманазар Уринбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Журабоев Уткирбек Хатамович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси взвод оператори

**Кадиров Абдурасул Валиевич** — Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент техника мактаби катта инструктори

**Мадалимова Севара Юлдашбаевна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Миртожиев Абдуллажон Равшанбекович** — Тошкент ҳарбий-академик лицейи взвод командири

**Пардаева Наргиза Салиходжаевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳарбий қисми назоратчиси

**Стряпчева Валентина Васильевна** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпитали бўлинма мудири

**Тешабоев Мурод Ойхужаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири

**Тураев Обиджон Сайдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми катта офицери

**Турсунов Ровшан Хамидуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Шакиров Шухрат Атхамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Ширинов Умиджон Турсунбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми гуруҳ мутахассиси

**Шокиров Азим Султонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми взвод командири ўринбосари

**Юлдашев Дильшодбек Хуснидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ командири

**Юлдашев Мазохид Абдурахимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Юсупов Фаррух Маткаримович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси гуруҳ инструктори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 11 январь

# «ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ»

***Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан нашр этилган “Янги қонунлар моҳияти” қўлланмасининг аҳамияти ниҳоятда каттадир.***




Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилаётир. Зеро, Президентимиз ўтган йили 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуидаги маърузасида таъкидлаганидек, жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият да-

### Қўлланма

ражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда икки палатали парламент тизими жорий этилгач, қабул қилинаётган қонунларнинг сифат ва асосланишлари янада яхшиланди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан тайёрланган мазкур қўлланманинг илк нашрида мамлакатимиз парламенти юқори палатасининг саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан таҳлилий шарҳлар ўрин олган эди. Қўлланма кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотгани, қолаверса, бугунги кунда ҳаётга татбиқ этилаётган қонунларнинг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини инобатга олиб, унинг иккинчи қисми ҳам тайёрланди.

Мазкур қўлланмада Сенатнинг ўн бешинчи, ўн олтинчи, ўн еттинчи, ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи ҳамда йигирманчи ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг очиб берилган. Зеро, юқори палатанинг мазкур ялпи мажлисларида “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги янги қонунлар, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи бир қатор қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланган эди.

Кенг жамоатчиликка мўлжалланган ушбу тўплам фуқароларнинг амалдаги қонунчилик бўйича билимларини янада ошириш, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, айниқса, қўл келади. Айни пайтда у мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишда зарур амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиши билан эътиборлидир.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор.**

***Тошкент ахборот технологиялари университетида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги ислоҳотлар ва унинг ҳуқуқий асосларига бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.***

# ПРОФЕССИОНАЛ МИЛЛИЙ АРМИЯ

## тинч ва осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчидир

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ҳар томонлама таҳлил этилиши асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмлари, чегара қўшинлари, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз

### Тадбир

қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Натижада мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмалар жорий этилди. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли ҳаракатчан, тезкор ва жанговар қобилияти юқори армиямиз қарор топди.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгиланиши, чақирувнинг йилда бир марта ташкил этилиши, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг кенгайиши, сафарбарлик-чақирув резерви хизматининг жорий этилиши эса миллий армиямиз қиёфасини тубдан ўзгартирди.

— Ўтган даврда соҳанинг ҳуқуқий асосини шакллантириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилиб, катта натижалар қўлга киритилди, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Собир Турсунов. — Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди ва амалиётга изчил татбиқ этилмоқда.

Шунингдек, анжуманда соҳа қонунчилигини такомиллаштиришда тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кучайтириш, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуннинг ижроси бўйича ўтказилаётган назорат-таҳлилларнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Интилиш**

# 160 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

Учқўрғон туманилик тадбиркор Анваржон Эргашев хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида алюминийдан эшик ва дераза ромлари, витражлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин бу ерда тайёрланган маҳсулотлар сифатлилиги боис ички бозорда тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Хусусан, корхонада ўтган қисқа муддатда 160 миллион сўмлик қурилиш материаллари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ – ДЕМОКРАТИЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ АСОСИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бельгияда таниқли бўлган **“Europian dinamics” компанияси ходими Одил Никадамбаев** Европада ўзбекистонлик мутахассисларга қизиқиш тобора ортиб бораётгани, шубҳасиз, республикамиздаги олий ўқув юртларида жаҳон талаблари даражасидаги юқори малакали кадрлар тайёрланаётганининг ўзига хос эътирофи эканлигини алоҳида қайд этди.

Брифинг ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, **“Шарқ юлдузи” уюшмаси вакили Гулнора Ҳасанова** бу каби тадбирлар хорижда яшаётган юртдошларимиз ўртасидаги тотувликнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидлади. “Бундай анжуманлар ватандошлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар доирасининг кенгайишига, шунингдек, олисдан туриб ўз Ватанининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кечаётган муҳим воқеалар тўғрисида тезкор ва тўлиқ маълумотларни олишга кўмак беради”, деди у, жумладан.

Тадбирда Ўзбекистон тарихи ва мамлакатимизнинг бугунги тараққиётига бағишланган видеофильмлар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

ЖАҲОН

## 24 соат ичида

***“Hyundai” компанияси дизайнерлари ёшларга мўлжалланган автомобиль намунасини яратишди.***

### Ёшларбоп машина

Мазкур автоулов 177 от кучига эга бўлиб, 1,6 литрли турбомотор билан жиҳозланган. У бензин билан ҳаракатланади. Ҳозир ушбу машинага ёшлар ўртасида қизиқиш ортиб бормоқда. Сабаби, у тежамкорлиги баробарида, ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам замон талабларига жавоб беради.

### Яна бир хунрезлик

***Афғонистоннинг Кобул шаҳрида кучли портлаш содир этилди.***

Уни амалга оширган террорчи воқеа жойида ҳалок бўлган. “Франс пресс” ахборот агентлигининг расмий манбаларга таяниб хабар беришича, хунрезлик оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Саккиз нафар одам тан жароҳати олган. Фожиа юз берган жойда бўлган автобус ҳамда бир нечта машина шикастланган.

### Футболдаги ҳамкорлик

***Англия футбол ассоциацияси янги ҳомий билан шартнома имзолади.***

“BBC News” хабарига кўра, бу АҚШнинг “General Motors” автоконцерни таркибидаги “Vauxhall” компанияси бўлиб, ҳамкорлик битими 3,5 йилга мўлжалланган. Шартнома суммаси ҳақида эса маълумотлар йўқ. Жамоанинг олдинги ҳамкори мамлакатнинг “Nationwide” қурилиш жамияти ҳисобланарди. Мазкур ташкилот Англия футбол ассоциациясига 11 йил давомида ҳомийлик қилди.

### Тартибсизлик оқибати

***Мексиканинг Гомес-Паласио шаҳридаги қамоқхонада тартибсизлик келиб чиқди.***

Оқибатда ўн бир нафар одам ҳаётдан кўз юмди. Шаҳар жойлашган Дуранго штати прокурори ўринбосарининг айтишича, айни пайтга келиб маъмурият вазиятни назоратга олган.

Мексикадаги қамоқхоналарда бундай тартибсизликлар тез-тез содир бўлиб туради. Бунга маҳбусларнинг мавжуд шароитлардан норозилиги ва ходимларнинг уларга нисбатан муносабатлари асосий сабаб сифатида кўрсатилади.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# БИОМЕТРИК ПАСПОРТНИ ҚАНДАЙ ОЛИШ МУМКИН?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу муносабат билан мамлакатимизда биометрик паспортларни жорий қилишдан кўзланган мақсад халқаро фуқаро авиаташишлар хавфсизлиги ва сифатини, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбакилаштиришга қарши ҳимоя даражасини янада ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштиришдан иборат. Буларнинг барчаси электрон ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларнинг ўзига хос афзалликлари ҳисобланади.

**— Биометрик маълумотларни ўзида мужассам этган бундай паспортлар қандай жорий этилади?**

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 январда қабул қилинган Фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги бўлмаган шахсларининг биометрик ҳаракатланиш ҳужжати тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Улар биометрик паспорт ва ҳаракатланиш ҳужжатларини расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартибини белгилайди.

Паспортларни алмаштириш босқичма-босқич амалга оширилади. Биринчи босқич, яъни 2011 йил давомида биометрик паспортлар мамлакатимиз вазирликлари, идоралари ва муассасалари хизматчиларига, хорижга чиқаётган ёки чет элдаги жисмоний шахсларга, шунингдек, муайян ёшга тўлган ёки қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра паспорт олаётган фуқароларга берилади. 2012 — 2015 йилларда эса Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари ҳам қонунчиликда белгиланган тартибда янги паспортларга эга бўлади. Амалдаги паспортлар эса бутун паспортларни алмаштириш даврида, яъни 2015 йил охиригача ҳақиқий ҳисобланади.

Янги Низомга биноан, мамлакатимиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам яшаётган 16 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортга эга бўлиши шарт. ИКАО тавсиялари инобатга олинган ҳолда, фуқаро паспорти 10 йил муддатга берилади. Бундан ташқари, мамлакатимиздан чет давлатларга чиқмоқчи бўлган 16 ёшгача болаларга паспортлар 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Айрим ҳолларда хорижга чиқаётган пайтда 15 ёшдан ошган, аммо 16 ёшга тўлмаган шахсларга ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти берилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, бола чет элда пайтида унинг ҳуқуқлари давлатимиз томонидан ҳимояланиши кафолатини оширади.

Жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда мунтазам яшаётган, фуқаролиги бўлмаган ва мамлакатимиздан кетмоқчи бўлаётган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжати 5 йил муддатга берилади. Уларнинг фарзандларига ҳам мамлакатимиздан чиқиш пайтида шундай ҳужжат берилади.

**— Янги паспортларни олиш тартиби қандай?**

— Фуқаролар биометрик паспорт олиш учун ўзлари доимий яшаб келаётган жойдаги ҳужжатларни йиғиш пунктларига, яъни ички ишлар органларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига мурожаат қилишлари мумкин. Улар бунинг учун Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган махсус шаклдаги анкета-аризани тўлдириши ва унга шахсини тасдиқловчи тегишли ҳужжат — амалдаги паспорти ёки биринчи марта олаётганлар туғилганлиги ҳақида гувоҳномани илова қилиши керак. Биографик ва биометрик маълумотларни ҳужжатларни йиғиш пунктида ишлайдиган оператор тўплайди, бунда фуқаронинг бармоқлари изи олинади ва рақамли фотосуратга туширилади. Ушбу барча маълумотлар асосида электрон ариза тайёрланиб, махсус электрон тармоқ орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади. Бу ерда жўнатилган электрон аризалардан келиб чиқиб, ҳужжатлар график ва электрон персоналлаштирилади, яъни биографик маълумотлар паспортни визуал текшириш зонасига, биографик ва биометрик ахборот эса чипга киритилади. Таъкидлаш керакки, биометрик паспортлар энг замонавий ахборот технологиялари асосида тайёрланади ва барча халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Тўлдирилган ҳужжатлар ҳудудий йиғиш пунктларига махсус почта воситалари орқали етказилади. Паспорт фақат верификация жараёни, яъни эгасининг биометрик параметрлари ҳужжатга туширилган маълумотларга мослиги компьютерда текширилгандан сўнггина берилади.

**— Янги намунадаги паспорт амалдаги паспортдан электрон чипдан ташқари яна нимаси билан фарқ қилади, унга қандай белгилар киритилади?**

— Биометрик маълумотли паспортлар ИКАО тавсияларига мувофиқ белгиланган намуналар бўйича тайёрланади ва лотин графикасидан фойдаланган ҳолда ўзбек ва инглиз тилида, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун қорақалпоқ, ўзбек ҳамда инглиз тилларида персоналлаштирилади. Унга базавий маълумотлардан ташқари қатор қайдлар киритилади. Эгасининг ҳарбий хизматга мажбурлиги, никоҳнинг рўйхатга олингани ёки бекор қилингани, рўйхатга қўйилгани ёки чиққани ҳақидаги қайдлар, чет элга чиқишга, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ўтишга рухсат берувчи қайдлар, 16 ёшгача бўлган болалар учун уларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидан. Паспорт саҳифалари ҳозиргига қараганда кўп бўлиб, уларга мамлакатдан чиқиш ва хорижий давлатларга кириш учун рухсат берувчи виза қайдлари қўйилади. Бундан ташқари, янги паспортдаги фотосурат энди ёпиштириладиган эмас, балки босма бўлади, бу унинг қалбакилаштиришдан ҳимоялаш даражасини оширади.

**— Аҳолини биометрик паспортлаштиришни амалга ошириш учун ҳужжатларни йиғиш пунктларини жиҳозлаш ва мутахассисларни тайёрлаш қандай ташкил этилган?**

— Ички ишлар органларининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўйича барча ҳудудий бўлинмалари биометрик маълумотларни йиғиш ва уларга электрон ишлов бериш учун махсус мосламалар билан жиҳозланади ва бу ишлар бошланган. Бунинг учун алоҳида бинолар тайёрланди. Ҳар бир ҳужжатларни йиғиш пункти алоқа ва маълумотларни узатиш воситалари билан таъминланди.

Айни пайтда биометрик паспорт тизимини жорий қилишга жалб этиладиган мутахассислар ўқитилмоқда. Марказимиз томонидан ишлаб чиқилган слайдли ўқув материаллари ёрдамида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўқув семинарлари ўтказилди. Энди навбат амалий кўникмаларга. Бунинг учун, масалан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бўлимининг хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмасида ҳужжатларни йиғиш бўйича ўқув пункти жиҳозланган бўлиб, бу ерда ҳар куни биометрик паспортлаштириш билан шуғулланадиган операторлар тайёргарликдан ўтмоқда. Яқин вақт ичида бундай пунктлар барча вилоятларда ташкил этилади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда биометрик паспортлаштириш тизимини жорий қилиш ишлари Президентимиз фармони ва ушбу Фармон билан тасдиқланган Низомларга мувофиқ изчил амалга оширилмоқда.

**Анна ИВАНОВА суҳбатлашди.**















## Изланиш

***Кармана туманилик тадбиркор Дилмурод Бердиев қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Кармана Дилнур” масъулияти чекланган жамиятини ишга туширди.***

### Мустаҳкам ва бежирим қопламалар

Бунинг учун “Алоқабанк”нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 100 миллион сўмлик кредит ҳисобига хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Эндиликда бу ерда йилига 12 минг квадрат метр ҳажмдаги йўлак қопламалари тайёрлаш мумкин.

Эътиборлиси шуки, корхонанинг 11 кишилик жамоаси янги йилнинг дастлабки кунларида 12 миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**







